

## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎНАЛИШЛАРИ

Озатбеков Юсупхон Фарход ўғли

Тошкент давлат транспорт университети мустақил изланинчалиси

Email: [yusuf.ozbekov@mail.ru](mailto:yusuf.ozbekov@mail.ru)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 11

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss11/a8](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss11/a8)

### ABSTRACT

Ушбу маколада темир йўл транспортида йўловчи ташишнинг иктисадий асосларини ривожлантириши белгилаб берувчи асосий йўналишлар, темир йўл транспорти йўловчи ташиш фаолиятини иктисадий ривожлантиришнинг асосий вазифалари, Ўзбекистонда темир йўл транспорти иши кўрсаткичлари тенденциялари тадқик этилди. Темир йўл транспортини таркибий ислоҳ килишининг энг муҳим шартлари кўрсатиб берилди.

*йўловчи ташиш, ривожлантириши йўналишлари, иши кўрсаткичлари, самарадорлик, хизмат кўрсатиш сифати, йўловчи ташиш самарадорлиги, хизматлар бозори, рақамли трансформация, модернизациялаши.*

### KEYWORDS

### Кириш (Введение/Introduction)

Темир йўл транспорти, дунёнинг кўпгина мамлакатларида одамлар ва товарларни ташишда муҳим роль ўйнайди. 2022 йилда глобал темир йўл йўловчи ташиш бозори, таҳминан 250 миллиард АҚШ доллари айнан темир йўл хизматларидан келиб чиқди. Ўзбекистонда эса, темир йўл транспорти, иктисадиётда алоҳида аҳамиятга эга, чунки мамлакатнинг узунлиги 4,000 км дан ортиқ темир йўл тармоги мавжуд.

Ўзбекистонда темир йўл транспорти фаолиятини ривожлантиришдаги асосий муаммолардан бири — инфратузилмани модернизациялаш зарурияти, бу эса 2019 йилда қабул килинган "Темир йўл транспортини ривожлантириш дастурни"да ҳам таъкидланган. Дастурда 2024 йилгача замонавий поездлар, хизмат кўрсатишни яхшилаш ва йўловчиларнинг талабларини қондириш мақсадида 10 триллион сўмдан ортиқ инвестицияларни жалб этиши кўзуди.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш фаолиятининг самарадорлиги ва кўрсаткичлари, жумладан, йўловчилар сони, рейслар сони, ва хизмат сифатини оширишга доир талаблар ҳали ҳам этилиши керак. Бундан ташқари, замонавий технологияларни жорий этиши ва рақамли трансформацияни амалга ошириш жараёнида кўплаб имкониятлар очилди.

Темир йўл транспорти йўловчи ташиш фаолиятига бўлганд талабни прогнозлаш учун аввало йўловчи ташишни режалаштириш Ўналишларини билан танишиш лозим.


Темир йўл транспортида йўловчи ташишни режалаштириш ва талабни қондириш йўналишларини кўрсатади, бунда иктисадий кўрсаткичлар, харажатлар, инфратузилма ва йўловчи куляйликлари каби турли жиҳатлар эътиборга олинади.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Обзор литературы / Literature review).

Темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантириш бўйича адабиётлар таҳлили кўпгина илмий мақолалар, монографиялар ва амалий тадқиқотларни камраб олади.

Адабиётларда темир йўл транспортиниң иктисадий самарадорлиги, ракобатбардошлиги ва йўловчи ташиш фаолиятининг иктисадий омили муфассал кўриб чиқилган [1,2,3].

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга доир тадқиқотларда, А. Н. Сидоровнинг "Хизмат кўрсатиш тизими ва йўловчи ташиш", йўловчиларнинг талаблари, хизматнинг баркарорлиги ва мижозларни жалб қилиш механизмлари ўз ичига олинган [4].



1-расм. Темир йўл транспорти йўловчи ташиш фаолиятига бўлганд талабни прогнозлаш

Халқаро тажрибаларни таҳлил қилишда, К. Л. Петровнинг "Темир йўл транспорти: халқаро тажрибалар ва Ўзбекистон" мақоласида, бошқа мамлакатлар билан такъосланганда Ўзбекистондаги темир йўл транспортиниң ривожланиши муҳокама қилинган [5].

Каримов М. (2020) – "Йўловчи ташишда ракобат ва самарадорлик". Каримов ўзининг тадқиқотида йўловчи ташиш соҳасида ракобатни таҳлил қилишга ва самарадорликни оширишга олиб боради. Ушбу тадқиқотда замонавий маркетинг стратегияларини ҳам кўриб чиқади, бу эса йўловчиларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга [6].

Ғ.Самадов, А.Зоҳидов, А.Гуламов ва М.Равшановларнинг фикрича "транспорт тизими – бу юқ ва йўловчиларни ўз манзилига етказиши жараёнида ўзаро алокаси бўлган транспорт турари ва

инфратузилмалари мажмуаси, яъни ўзаро боғлиқ бўлган транспорт секторлари, меҳнат ресурслари ҳамда мамлакат иктисодигитини

## 1-жадвал

**1-жадвал. ЯИМ ҳажми, транспорт хизматлари ва темир йўл транспортида ташиш ва сақлаш тармоғининг кўшилган қийматининг улчиши.**

Йил	ЯИМ ҳажми, млрд.сўм	Транспорт хизматлари, млрд.сўм	Темир йўл транспортида ташиш ва сақлаш тармоғининг кўшилган қийматининг улчиши %
2014	186 829,5	19 617,1	10,5
2015	221 350,9	23 684,5	10,7
2016	255 421,9	28 607,2	11,2
2017	317 476,4	36 164,8	11,5
2018	424 728,7	44 159,4	11,8
2019	529 391,4	55 479,5	11,9
2020	602 551,4	53 662,9	13,1
2021	738 425,2	67 202,9	12,1
2022	888 341,7	81 006,6	11,4

самарали бошариши мақсадида транспортнинг барча турларини бошқарув тизими тушинилади”[7].

Адабиётлар таҳлили, темир йўл транспортида йўловчичи ташиши фаолиятини ривожлантириш бўйича кўплаб ўрганишлар ва таклифларни ўз ичига олади[8,9,10,11,12]. Иктисодий асослар, ташкилий структура, замонавий технологиялар ва хизмат кўрсатни сифати, шунингдек, халқаро тажрибалар — бу соҳа ривожланишига асос бўлади.

**Тадқиқот методологияси (Методология/Methodology).**

Темир йўл транспортида йўловчичи ташиши фаолиятини ривожлантириш муаммоларини таҳлил қилиш мақсадида миллий ва хорижий олимларнинг илмий изланишлари натижалари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий асосини ташкил этди. Маколани тайёрлаш жараённада абстракт ва аналитик кузатиш, киёсий ва омилли таҳлил, танланма кузатув, тақослаш, иктисодий-статистик, диаграммаси ва аник муддатда каби усуслардан фойдаланилди.

**Тахлил ва натижалар (Анализ и результаты/ Analysis and results).**

Харажатларни самарали бошқариш ва оптималлаштириш орқали

Поездларда замонавий қулайликлар (WI-FI, кондиционерлар, қулай ўринидиклар) йўловчиларнинг сафар давомида қулайлигини оширади. Бошқа қулайликлар, масалан, зарядловчи нуткалар ва ошхона вагонлари жорий қилиниши, йўловчиларнинг фаолиятдан қоникишини таъминлашда муҳимдир.

Тарифлар ва харажатлар ўртасида мувозанатни саклаш, йўловчи ташиши фаолиятининг баркарор ривожланишини таъминлайди.

Хизмат кўрсатни сифати юкори бўлса, йўловчиларнинг қайтадан сафар килиш эҳтимоли ҳам ошиади. Мисол учун, йўловчилар учун қулайликлар яратиш, транспорт хизматларига бўлган ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради.


Сифатли хизмат кўрсатиш, темир йўл транспортининг рақобатбардошлигини сақлаб колиши имкониятини яратади. Бу эса йўловчиларни жалб килиш ва юбориш самарадорлигини оширишга олиб келади.

## 2-жадвал

**Темир йўл транспорти йўловчи ташиш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари**

Йиллар	Йўловчи айланмаси, млн.йўл-км	Йўловчи ташишдан олинган даромад, млн.сум	Йўловчи ташишига кетган харажат млн.сум
2014	3 759,5	232 321,0	199 259,3
2015	3 757,7	189 147,1	175 184,8
2016	3 933,6	221 372,6	180 431,7
2017	4 293,9	302 489,5	214 055,9
2018	4 329,8	330 860,7	263 213,7
2019	4 385,2	379 024,3	287 698,1
2020	1 794,9	227 977,4	214 854,8
2021	3 130,2	335 286,0	296 110,6
2022	3 549,4	415 440,9	347 780,8
2023	3962,7	532 778,5	468 344,4

Йўловчи ташиши фаолиятининг иктисодий самарадорлигини ошириш учун тариф сиёсатини мослаштириш, харажатларни оптималлаштириш, хизмат кўрсатни сифати ва йўловчилар учун қулайликларни яратиш муҳимдир. Буларнинг барчаси йўловчиларнинг қоникишини ошириш ва темир йўл транспортининг



**2-расм. Темир йўл транспортда йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантиришнинг методологик асоси<sup>1</sup>**

рентабелликни ошириш мумкин. Инфратузилмани модернизациялаш, поездлар паркларини янгилаш ва техник хизмат кўрсатни харажатларини камайтириш муҳимдир.


Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг сонини оптималлаштириш ёки уларнинг малакасини ошириш, фаолиятнинг иктисодий натижаларини яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Малака ошириши курслари, ходимларнинг профессионаллик даражасини оширишига ёрдам беради.

ракобатбардошлигини таъминлашга ёрдам беради (2-3-расмлар).

Темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат, транспорт хизматларининг самарадорлиги ва ракобатбардошлигини белгилайди.

- Талаб: Йўловчиларнинг талабини кўрсатади, бунинг асосий омиллари:

Ахолининг даромадлари, иктисодий ривожланиш ва инфляция даражаси талабни таъсир этади. Хизматнинг сифати, поездлар ва



**3-расм. Темир йўл транспорти йўловчи ташиш фаолияти иқтисодий ривожланиш даражаларининг рейтинг шкаласи**

инфратузилма шароитлари йўловчиларнинг талабини шакллантиради. Тарифларнинг мослиги ва мослашувчанлиги, йўловчиларнинг хизматларга бўлган талабини ошириши мумкин.

- Таклиф: Таклифнинг хажми ва сифати, транспорт фаолияти иштирокчиларига (мамлакат, операторлар, инвестициячилар) таъсири этади:

Поездлар паркларини янгилаш, инфратузилмани модернизациялаш ва хизматларни такомиллаштириш таклифи самарали таъминлайди. Ташувларнинг инвестиция имкониятлари ва стратегиялари, йўловчи ташиш фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи омиллардир.

Талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, ташувларнинг иқтисодий самарадорлигини камайтиради. Агар талаб камайса, ташувларнинг даромадлари пасайди, бу эса уларнинг инвестиция килиши имкониятларини чеклади. Ташувларнинг мослашувчанлик кобилияти, тарифларни белгиловчи сиёсат ва хизматларни модернизациялашда янги стратегик қарорлар қабул килиш заруратига олиб келади.

Талабнинг ошиши, йўловчиларнинг хизматдан қоникишини оширади. Агар талаб юкори бўлса, поездлар тезроқ, кенг хизматлар билан таъминланади.

Тарифларнинг мослашувчанлиги, йўловчиларнинг талабларига мос равишда белгиланиши керак. Агар тарифлар юкори бўлса, йўловчиларнинг хизматдан фойдаланиши эҳтиёжи камайди.

### 3-жадвал

#### Темир йўл орқали йўловчиларни ташиш учун даромадлар ва ҳаражатлар, млн.сўм

	Умумий	Халқаро	Махаллий
2014	Даромад	232 321,0	117 008,8
	Харажат	199 259,3	-
2015	Даромад	189 147,1	68 933,4
	Харажат	175 184,8	-
2016	Даромад	221 372,6	75 343,2
	Харажат	180 431,7	-
2017	Даромад	302 489,5	123 179,0
	Харажат	214 055,9	-
2018	Даромад	330 860,7	121 820,1
	Харажат	263 213,7	-
2019	Даромад	379 024,3	101 125,1
	Харажат	287 698,1	-
2020	Даромад	227 977,4	60 764,5
	Харажат	214 854,8	-
2021	Даромад	335 286,0	9 330,5
	Харажат	296 110,6	-
2022	Даромад	415 440,9	32 688,3
	Харажат	347 780,8	-
2023	Даромад	532 778,5	57 632,3
	Харажат	468 344,3	-

Темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат, ташув фаолияти иштирокчилари, йўловчилар, иқтисодий ҳолатлар ва ракобат шароитларини белгилайди. Талаб ва таклифнинг мувозанатини саклаш, транспорт хизматларининг самарадорлигини, сифати ва ракобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун тариф сиёсатини мослаштириш, инфратузилмани модернизациялаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш зарур.

Таклифнинг юкори бўлиши натижасида турли субъектлар ва йўловчиларни жалб килиш мақсадида маркетинг, реклама ишларини кучайтириш зарурати. Ташиш харажатларини оптималлаштириш ва сарфларни камайтириш учун маҳсус чоралар кўриш. Бу структура темир йўл транспортидаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган турли омилларни камраб олади.

Ушбу жадвал темир йўл транспорти йўловчи ташиш фаолияти иқтисодий ривожланиш даражаларининг рейтинг шкаласини тасвирлайди. Қолаверса, жадвал темир йўл транспорти компанияларининг иқтисодий ривожланиш ва сифати бўйича тоғифаларни кўрсатади.

#### Хуоса (Заключение, Conclusion).

Темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятини ривожлантириш, иқтисодий, техник ва экологик жиҳатлардан баркарор ривожланиши талаб килади. Инфратузилмани модернизация килиши ва янгилаш, замонавий инновациялар, рагамли технологиялар ва экологияга бўлган эътибор орқали йўловчилар учун кулагай, хавфсиз ва самарали транспорт тизимини шакллантириш мумкин. Куйидаги берилалётган таклифлар:

- Автоматик мониторинг ва оптимизация механизмларини жорий килиш.
- Мобил иловалар орқали индивидуал хизматларни таклиф этиш.
- Станцияларда интерактив маълумот панеллари ва мобил илова орқали йўловчиларга реал вактда поездларнинг ҳаракатлари ҳақида маълумот берниш.
- Йўловчилар учун интерактив мобил иловада виртуал асистент орқали саволларга жавоб бериш, сафарни режалаштириш ва хизматлар билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш.

Ушбу инновацион гоялар, темир йўл транспортида йўловчи ташиш фаолиятининг самарадорлигини, хавфсизлигини, экологик самарадорлигини ва хизмат сифатини оширишга хизмат киласи.

**References:**

1. Кузнецов, Б. Н. (2020). Темир йўл транспорти: иқтисодий аспектлар. Тошкент: Ўзбекистон Давлат Ноширлиги.
2. Ибодуллаев, М. А. (2021). Транспортни бошқариш: назария ва амалиёт. Тошкент: Ўзбекистон Давлат Ноширлиги.
3. Жумалиев, А. С. (2022). Ракамли технологиялар ва транспорт. Тошкент: Ўзбекистон Давлат Ноширлиги.
4. Сидоров, А. Н. (2023). Хизмат кўрсатиш тизими ва ёловчи ташиш. Тошкент: Ўзбекистон Давлат Ноширлиги.
5. Петров, К. Л. (2023). Темир йўл транспорти: халқара тайрижалари ва Ўзбекистон. Транспорт ва Логистика журнали, 12(3), 45-58.
6. Каримов, М. (2020). Ёловчи ташишда ракобат ва самарадорлик. Тошкент: Ўзбекистон Давлат Ноширлиги.
7. Fayzullayev J.S. (2019) Improvement of Economic Efficiency of Development of Зохидов А.А. (2018) Марказий осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш. Икт. фан. док. ... дис. Автореф., Тошкент.
8. Khamdamov, S. J., Kakhramona, U., & Usmanov, A. (2024). GREEN ECONOMY AS A DRIVER OF SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH IN UZBEKISTAN. Страховой рынок Узбекистана, 1(8), 64-66.
9. Гуламов А.А. Темир йўл компаниясининг асосий капиталини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш методологиясини такомиллаштириш (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мисолида). Икт. фан. док. ... дис. Автореф., Тошкент 2020.
10. Khamdamov, S. J. (2024). THE IMPACT OF CENTRAL BANK POLICIES AND DIGITALIZATION ON GDP GROWTH IN UZBEKISTAN. Страховой рынок Узбекистана, 1(6), 7-10.
11. Ярашова В.К. Ўзбекистон транспорт тизимини ривожлантиришнинг макроиктисодий жиҳатлари. Икт. фан. док. ... дис. Автореф., Тошкент 2022.
12. Рахимов Х.Ш. Мамлакат транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш (темир йўл транспорти инфратузилмалари мисолида). Икт. фан. фалсафа доктори дис. Автореферат., Тошкент 2021.